

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус

Таълим Вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий Университети

ТАРИХ факультети



КУРС ИШИ

**Мавзу: Уруғчилик жамоасининг моддий ва
маънавий маданияти**

Бажарди: Мадғозиев Искандар

Текширди: Бобобеков.А

Тошкент - 2014

Мундарижа

Кириш.....3-4

I-боб. Уруғ жамоасининг моддий маданияти:

I.1. Ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши.....5-9

I.2. Техника жараёнининг ривожланиши.....9-14

I.3. Хўжалик тараққиёти, овчиликнинг ривожланиши.....15-17

I.4. Турар жой ва кийим-кечакларнинг пайдо бўлиши.....17-22

I.5. Ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик.....22-27

II-боб. Уруғ жамоасининг маънавий маданияти:

II.1. Тафаккур ва тилнинг пайдо бўлиши.....28-29

II.2. “Сигналлар тили”30-31

II.3. Билимларнинг пайдо бўлиши.....31-33

II.4. Ибтидоий дин: анимизм, фетишизм, тотемизм, магия.....33-37

II.5. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик.....38-40

II.6. Мусиқа, рақс, байрам ва маросимлар.....40-42

Хулоса.....43

Фойдаланилган адабиётлар.....44

Кириш

Ишлаб чиқариш кучларининг ҳамда бутун маданиятнинг ривожланиши муайян бир босқичда содир бўлди. Бу юксалиш натижасида кишилиқ жамиятининг анча мустаҳкам ташкилоти вужудга келди. Бу ташкилотга табиий уруғ асос солди. Натижада уруғ ёки уруғчилик жамоаси пайдо бўлди. Уруғ жамоаси қадимги одамзод тарихининг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Қадимги одамларнинг ибтидоий тўда давридан уруғ жамоасига ўтиши узоқ давом этган. Оловдан кенг фойдаланиш, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини пишириб ейиш натижасида инсон мияси аста-секин тараққий этиб боради. Узлуксиз меҳнат жараёнида одамларнинг ташқи қиёфаси ҳам ўзгариб борган. Одамлар камол топгани сайин уларнинг ижтимоий тузуми ҳам ўзгариб боради. Бундан 40-35 минг йил илгари бир неча миллион йил давом этган қадимги одамларнинг тўда даври ўрнида уруғ жамоалари шаклланади. Натижада ибтидоийликнинг барча моддий, ижтимоий, маънавий маданиятининг асосий ривожланиш даври бўлган – уруғчилик тузуми даври бошланади.

Маълум бир жойда яшаган қавм-қариндош кишилар гуруҳи – уруғ жамоаси деб аталган. Уруғ жамоасида кишилар биргалашиб меҳнат қилганлар. Мол-мулклари умумий бўлиб, топган озиқ-овқатларини ўртада, биргаликда баҳам кўрганлар.

Уруғчилик тузуми даври икки босқичга: матриархат (она уруғи тузуми) ва патриархат (ота уруғи тузуми) даврларига бўлинади. Матриархат даврида аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда эрлар билан бир хил аҳамиятга эга бўладилар, бу эса уларнинг ижтимоий тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлайди. Бироқ матриархат турли жамиятларда бир хилда ривожланмайди. Айрим жамиятлардаги алоҳида шароитларда матриархат тузуми юқори даражада ривожланади, аёллар ижтимоий ҳаётда устун турадилар. Кейинчалик ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланиши туфайли, хўжалиқ анча ўзгаради ва ижтимоий ишлаб чиқаришда эрларнинг

роли ошади. Матриархатдан эрларни ҳар томонлама устунликка олиб келган патриархатга ўтишнинг сабаби ҳам мана шу ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасидир.

“Ибтидоий кишилар табиат кучларининг неча-неча минг йиллар давомида, кўпдан-кўп авлодлар алмашинувида, ҳаддан ташқари кўп куч сарф қилиш натижасида, оғир меҳнатда, кўп адашув ва хатоларни тугатиб, ҳисобсиз қурбонлар бериб, аста-секин, лекин астойдил ўрганди, уларни бўйсундирди ва кишилиқнинг дастлабки маданиятни яратди.”¹ У ҳоҳ моддий, ҳоҳ маънавий маданият бўлсин, бугунги замонавий аср маданиятларидаги ривожланишнинг пойдевори ва тамал тоши бўлиб келмоқда.

Мавзунинг хронологик чегараси сўнгги палеолит (мил.авв 40-35 минг йилликлар) давридан то энеолит (мил.авв. 4-3 мингйиллик) давригача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Мавзунинг таркибий қисми 2 бобдан иборат бўлиб, I-бобда уруғчилик жамоасининг моддий маданияти тўғрисида, II-бобида эса маънавий маданияти тўғрисида сўз юритилади.

Мавзуни ўрганилиш даражаси тўғрисида айтадиган бўлса, мавзуни тайёрлашда, мавжуд маълумотларни қиёслаш ва таҳлил қилишда асосан Э.Б.Тейлор, М.О.Косвен, А.Кабилов, Д.Г.Редер, Е.А.Черкасоваларнинг асарларидан, ҳамда интернет материалларидан фойдаланилди.

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 11-бет.

I-боб. Уруғ жамоасининг моддий маданияти

I.1. Ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши

Ўрта палеолитнинг охири ва сўнгги палеолитнинг бошларида вужудга келган уруғчилик тузumi узoқ ривoжланиш тараққиёти йўлини бoсиб ўтди. Худди шу даврда ҳозирги жисмоний типдаги одамлар шаклланиб, вужудга келди. Бу ҳол ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш кучларининг тобора юксала бориши, ибтидоий кишиларнинг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Илгари беқарор ва тез-тез тарқалиб кетадиган гуруҳлар ўрнига, эндиликда анча барқарор ва мустаҳкам бўлган кишилар жамоаси юзага келди. Бу жамоавий меҳнат ва қон-қариндошлик натижаси — ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши эди.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даставвал тошни қайта ишлаш, яъни техниканинг қўлланилишида ўз ифодасини топди.

“Бу вақтга келиб, мустъе даврининг содда қуроллари ўрнига тошпичоқ, найза, кесгич, бигиз, найза, ва ҳар хил нозик қурооллар тарқалади. Гарчи сақланиб қолмаган бўлса-да, ёғоч, айниқса қаттиқ ёғочлардан кўплаб қурооллар тайёрланганлигини тахмин қилишимиз мумкин.”¹

Мазкур даврда ҳайвон шохлари, суяклари ва тишларидан игна, бигиз, белча, ер ковлагич, мотиға, кирка, найза учлари ва бошқалар ясалган. Ибтидоий одамларнинг манзилгоҳларидан топилган — тош ва суяк қуроолларнинг асосий қисми бўлганлигидан далолат беради.

Дастлабки уруғчилик даври техника тараққиётида муҳим давр бўлиб, бир неча қисмдан иборат анча мураккаб меҳнат, жанговар ва ов қуроллари Неандертал ва ундан олдин яшаб ўтган одамларнинг қуроолларига нисбатан бой ва турли-туман бўлиб, сифат жиҳатидан анча устунликларга эга бўлган.

Техника тараққиётидаги бу ўзгаришлар овчиликнинг ривожланишига

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 30-бет.

сабаб бўлди-ки, сўнгги палеолит манзилгоҳларининг айримларидан топилган мамонт, ёввойи от, шимол буғуси ва бошқа йирик ҳайвонлар суякларининг кўп миқдорда тўпланиб ётиши овчиликнинг ривожланганлигидан дарак беради.

“Чехиядаги Премедмост манзилгоҳидан 40 минг қурол, 1000 га яқин мамонт суяги, Франциянинг Амаросиявка деган жойидан 1000 га яқин бизон суяклари, кўплаб тош ва суяк қуроллари ҳам топилгандир. Бу ҳол ҳайвонларни овлашда: ўраб олиш, қувиб қамаш, тузоқ қўйиш, ва бошқа овчилик усулларида фойдаланишнинг такомиллаша борганини кўрсатади.”¹

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва техника тараққиёти натижасида овчилик янада ривожланади. Бу ҳол одамларни гўшт, тери ва бошқаларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини маълум даражада қондиради. Одамлар энди ўлжа излаб дастлабки жойларидан узоқлашиб, ўша ерларда макон тута бошладилар. Шунинг билан бир қаторда, чайла ва бошқа сунъий бошпаналар ҳам кенг тарқала бошлаганлигининг кўришимиз мумкин. Сўнгги палеолит даврида ҳайвон суякларидан уй-жойлар қуриш тарқалади. Уларнинг усти ва атрофлари шох-шабба, ҳайвон терилари билан ёпилган бўлиб, катталиги ҳам турлича кўринишда бўлган. Воронеж яқинидаги сўнгги палеолит одамлари истиқомат қилган турар жойнинг узунлиги 35 метр, кенглиги эса 15-16 метр бўлган.

Сўнгги палеолит давридаги ичида ўчоқлари бўлган турар жойларнинг кенг тарқалиши рисс-вюрм музликлараро давридаги об-ҳавонинг совиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Вюрм музлик даврининг совуқ иқлимида одамлар ўзларини совуқдан сақлаш учун ҳар хил ҳайвонлар териларидан кийимлар тикиб кия бошлаганлар. Доимий турар жойларнинг баъзиларидан топилган тош тешгич, суяк игналар шундан далолат бериб турмоқда.

¹ Kabirov.A. “Ibtidoiy jamiyat tarixi” (Ma’ruzalar matni) Toshkent – 2005 yil. 67-71-betlar.

“Ушбу даврда одамлар тошдан ёритгич асбоблари ясаб, тунда ўз турар-жойларини ёритганлар.”¹ Афтидан, ибтидоий кишилар мазкур даврдан бошлаб нисбатан ўтроқликда яшашга ўта бошлаган кўринади. Чунки, одамлар совуқ киш кечаларида ҳар тарафни кезгандан кўра, ўтроқликни афзал кўрганликлари бўлиши мумкин. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эса кўпроқ йилнинг илиқ кунларига тўғри келганлигини айтиш мумкин.

Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси неолит даврига келиб ўзининг юқори поғонасига кўтарилди. Неолит 3,5-3 миллион йиллик тош асрининг юқори ва охиригача бўлиб, тошдан ясалган меҳнат қуроллари яшаш техникасининг такомиллашуви билан белгиланади. Неолит даврида тош қуролларнинг тури кўпайиб, сифати янада яхшиланди.

“Қадимги тош асрининг кўпол қуроллари ўрнига эндиликда силлиқланган тош болталар, найза учлари, тош пичоқлар, қадамали ўроқлар, суякдан ясалган нозик игна, бигиз, санчгич, камон ўқи учлари ва бошқа меҳнат қуроллари вужудга келиб, тобора такомиллаша бошлади. Қадимда тош асри одамлари узоқ вақт давомида ерда ётган тошлардан қурол ясаб келган бўлсалар, эндиликда қурол учун зарур бўлган энг муҳим хомашё – тошни ер остида кўлдириб ола бошладилар.”²

Неолит даврига келиб ёғочни ишлаш ва ундан янги қуроллар яшаш кенг тарқалди. Ёғочни ишлаш, уни кесиш учун ишлатиладиган қуроллардан энг муҳими силлиқланган тош болталар бўлиб, у ерни ўрмонлардан тозалаш учун катта аҳамиятга эга эди. Ёғочлардан эса турли буюмлар ясалган.

Тошдан термачилик ҳамда ибтидоий деҳқончилик учун зарур бўладиган, ҳавонча, даста ёрғучоқ, ер юмшатгич, ўроқ қадмаси ва бошқа меҳнат қуроллари ясаиб, хўжаликда кенг фойдалана бошланди. Ер юмшатишда ишлатилган мотигалар суяк ва шохдан ясалгандир.

Мезолит даврида кашф этилган ва ўз даври учун чексиз аҳамият касб этган ўқ-ёй неолит даврига келиб анча такомиллаштирилди. Ўқ учлари даставвал баргсимон, кейинчалик эса учбурчак шаклида ишлана бошланди.

^{1,2} Kabirov.A. “Ibtidoiy jamiyat tarixi” (Ma’ruzalar matni) Toshkent – 2005 yil. 67-71betlar.

Неолит даврининг энг муҳим янгиликларидан бири – лойдан сопол идишлар ясаб, уни пиширишнинг кашф этилишидир. Лойдан сопол идишлар ясаб, уни пишириш одамларга овқат тайёрлаш сифатини ва озиқ-овқатнинг турларини кўпайтириш имконини берди.

Неолит, хусусан сўнгги неолит даврининг энг йирик ютуқларидан яна бири ип йигириш ва тўқимачиликнинг кашф этилишидир. Ҳунармандчиликнинг бу соҳасини кашф этиш инсоният учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ип йигириш учун тола сифатида дастлаб газак ўт (крапива), ёввойи жун (канопля), шунингдек, дарахт пўстлоқлари ишлатилган. Кейинчалик эса қўй, эчки, қорамол ёввойи ҳайвонлар жунидан ва ёввойи зиғир поясини йигириб ип – тола тайёрлай бошлаганлар. Ип йигиришнинг кашф этилиши тўр тўқишни осонлаштириб, дарё, кўл ёқаларида балиқчилик ҳўжалигининг кенг кўламда ривожланиши учун катта имкониятлар очиб берди.

Неолит даврининг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланиши уруғчилик жамиятининг янги ташкилотига – патриархатга ўтишга мажбур этган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек матриархат ва патриархат уруғчилик жамиятининг икки узвий тарихий шакллари, ибтидоий тарихнинг икки узвий даврини ташкил этади. Матриархатдан патриархатга ўтиш негизида ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши ётади. “Моддий бойликларнинг ишлаб чиқаришда восита бўладиган қуроллари ва маълум ишлаб чиқариш тажрибасига ва меҳнат малакасига эга бўлганликлари ортида ишлаб чиқариш қуролларини ҳаракатга келтирувчи ва моддий бойликлар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи кишилар жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил этади.”¹ Бу дегани деҳқонлар, ҳунармандлар ва чорвадорлар демакдир. Бу ўтиш, аввало ҳўжаликнинг юксалишида ва мотиға асосидаги деҳқончиликдан омоч асосидаги деҳқончиликка ўтишда ўзини кўрсатади.

¹ Kabirov.A. “Ibtidoiy jamiyat tarixi” (Ma’ruzalar matni) Toshkent - 2005 yil 77-bet.

Шу муносабат билан эркаклар энди юқори мавқеъга кўтарила бошлади.

Ишлаб чиқариш кучларининг тобора юксала бориши, ибтидоий кишиларнинг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Илгари беқарор ва тез-тез тарқалиб кетадиган гуруҳлар ўрнига, эндиликда анча барқарор ва мустаҳкам бўлган кишилар жамоаси юзага келди. Бу жамоавий меҳнат ва қон-қариндошлик натижаси — ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши эди.

I.2. Техника жараёнининг ривожланиши

Дастлабки уруғчилик даври техника тараққиётида муҳим давр бўлиб, бир неча қисмдан иборат анча мураккаб меҳнат, жанговар ва ов қуроллари Неандертал ва ундан олдин яшаб ўтган одамларнинг қуролларига нисбатан бой ва турли-туман бўлиб, сифат жиҳатидан анча устунликларга эга бўлган. Бу даврда техника соҳасида мустъе маданиятига нисбатан анчагина юксалиш рўй беради. Энг аввало тошга ишлов бериш яхшиланади, жуда оддий парчалаш ёки синдириб олиш билан бирга қуролга аниқ ва тўлиқ шакллар берувчи қисиб синдириш усули кенг қўлланилади. Суяк ва шохлардан кенг фойдалана бошланади. Бу даврда ёғоч ҳам кенг ишлатилган. Ориньяк-сальютр манзилгоҳларининг кўпида учрайдиган тош ва суяк буюмларнинг шакли улар ёғоч дастага ўрнатилган қуролларнинг асосий қисми бўлганлигидан дарак беради. Бу — техника тараққиётида муҳим давр бўлиб, бир неча қисмдан тузилган қурол-яроғларга ўтиш даври эди.

Бу босқичдаги манзилгоҳлардан жуда кўп миқдорда турли буюмлар топилган, бу эса ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигидан гувоҳлик беради. “Бу ерлардан чакмоқтош олинадиган ва қуроллар тайёрланадиган ўзига хос “устахоналар” ва, хусусан, гўё қурол яшаш учун захира қилиб қўйилган кўп миқдордаги мамонт тишлари фикримиз далилидир.”¹

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 31-бет.

Умуман сўнгги палеолит даврининг барча қурол-яроқлари мустъе даври одамлариникига нисбатан беқиёс ва хилма-хилдир.

“Сўнгги палеолит даври техника тараққиётига оид хусусият шуки, унда шакл жиҳатидан хилма-хил, ишланиши бўйича анча такомиллашган ва вазифаси жиҳатидан ихтисослаштирилган меҳнат қуроллари мавжуд бўлган. Бу қуроллар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишидаги катта ўзгаришни кўрсатади. Сўнгги палеолит даври манзилгоҳларидан кескичлар, тиглар, найза учлари, санчки, гарпунлар, кўзли игналар, пардозлагич, тешикли суяк хассалар (булар “йўлбошчилар хассалари”, “бошлиқлар хассалари” деб юритилади) ва бошқалар топилгандир.”¹

Юқорида келтирилган қуроллардан фақат турли хилдаги иккита қурол-кесгичлар ва тарашлагичлар энг муҳим қуроллардан бўлган. Одамлар кесгични қуроллар ишлаб чиқариш учун яратишган. Қаттиқ материаллардан (суяк ва мўғуздан) қуроллар ясашда кесгичдан фойдаланишган.

Тарашлагичлар билан юмшоқ материаллар (тери, ёғоч)га ишлов берилган. Тарашлагич мустъе тарашлагичидан фарқ қилиб, иш бажарувчи ёйсимон қисми бўлган узун пластинадан иборат бўлган.

Баъзи бир қуролларнинг қулай бўлиши ва уларнинг дуруст ишлаши учун бу қуролларга гардишлар ва соп (даста)лар ўрнатилган. Соп чақмоқтошга боғлаб қўйилган. Шу тариқа таркибли қуроллар пайдо бўлган. Бундай қуроллардан фойдаланишга ўтиш қурол ясаш техникасини ривожлантириш ва мураккаблаштиришда муҳим босқич бўлган. “Найза ирғитгич одамнинг кучини тўлдирадиган биринчи механик восита бўлган.”²

Шу зайдда тошга ишлов бериш техникаси анча илгарилиб кетган. Аввалги парчалаш (ушатиш) техникасининг такомиллашиб бориши кўзга ташланади. Синдириладиган пластиналар мустъе давридаги учбурчак пластиналардан фарқ қилиб, юпқа ва узунроқ пластиналар бўла бошлаган,

^{1, 2} Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи”, Т. 1974 йил. 38-39 бет.

нуклеуслар эса мустъе давридаги гардишсимон нуклеуслар ўрнига призмасимон шаклга кирган. Қуроллар яшашнинг янги усули – қуролни симметриялаш (мутаносиб қилиш) ва унинг иш бажарадиган четини ўткирлаштириш учун тошга иккиламчи ишлов беришда қўлланиладиган сиқма ретушъ кенг тарқалади. Сиқиш техникаси тошни ингичка суяк таёқча билан секин босиб, ундан юпқа тангачалар (парчалар) ажратиб олишдан иборат бўлган. Асосан фақат суякни кесиш усули вужудга келган.

Ҳақиқатда фақат умумий икки хусусиятга эга бўлган мустъе қуроли турлари ўрнига биз бу ўринда ихтисослашган ва анча хилма-хил қурол-яроқлар тўпламини, илгаридан сақланиб келаётган оғир кесгичдан ташқари, пичоқ, найза ва найзачалар, турли хил ҳажмдаги кесгичлар, қирғичлар, бигизларни кўришимиз мумкин. Бу давр ёдгорликларида суякдан ишланган игналар ҳам кўп. Франциянинг жанубидаги Плакар ғорида, салютр қатламидаги ёдгорликлардан бирининг ичида суяк игналар солинган (қуш суягидан ишланган) игнадон топилган. Бу ердан яна суякдан ишланган қармоқ ҳам топилгандир.

“Мезолит даврида “Буюк музлик” даврининг тугаши билан ҳайвонот дунёси ривожланиб, ўзгара бошлади. Илгариги усуллар ва қуроллар бундай ҳайвонларни овлаш учун яроқсиз бўлиб қолади. Янги ов шароитлари ирғитиладиган қурол ва юқори даражада такомиллаштирилган техникани ривожлантиришга, камон ва ўқ-ёйнинг ихтиро қилинишига олиб келган.”¹ Микролитлар (юнонча “micros” - кичкина, “litos” - тош) 1-2 см узунликдаги, призматик, пичоқсимон ёки ўткир учли шаклдаги чақмоқтош буюмлари кенг ёйилган. Кесадиған, рандалайдиған ёки санчиб тешадиған қуроллар яшашда ана шу буюмлар асосан ёғоч ва суяк сопларга вкладиш сифатида, шунингдек мезолит даврида ихтиро қилинган янги ов қуроли – камон ва ўқ учун қўлланилган. Микролитлар қурол-яроғларнинг иш бажарадиған асосий

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент – 1974 йил, 39-бет.

қисмини ташкил этган. Микролитлар билан ускуналанган таркибли қурол енгилроқ бўлган ва ўз сифати жиҳатидан чақмоқтошдан ясалган қуроллардан бутунлай қолишмаган. Чақмоқтошдан қурол ясаш эса сермашаққат иш бўлиб, кўп миқдорда хомашё сарфлашни талаб этган.

“Бумеранг мезолит даври одамларининг ўзига хос ихтироси бўлган. Бумеранг – эгилган ясси ёғоч парчаси шаклидаги, ўроқсимон, ирғитма гурзи (чўқмор), унинг кўзга аранг ташланадиган эгилган бурама сирти бор бўлиб, учиб бориш хусусияти шунга боғлиқ бўлган. Эпчил қўл билан ирғитилган бумеранг учиб бораётганда ёйлар, ҳалқалар, саккизликлар ва бошқа эгри чизиқлар шакллари эслатади. У 150 метр гача бўлган масофагача учиши мумкин. Нишонга бориб тегишда ўзининг ўткир чети билан оғир ярадор қилади. Бумеранг ер шаридаги кўпгина қабилаларга маълум бўлиб, аммо у Австралия маҳаллий аҳолисининг ўзига хос қуролидир.”¹

Техниканинг ривожланиб бориши даражаси мезолит даври одамларининг табиий шароитларига қараб турли-туман хўжалик фаолияти билан шуғулланишларига имконият яратди.

Неолит даврида иқлим шароитлари, флора ва фауна ҳозирги замондагига яқин бўлган. Неолит керамика (юнонча “keramos” – гил) нинг пайдо бўлиши ва тошга ишлов беришнинг янги, янда юксак техникаси билан, ўзлаштирувчи хўжалик шаклларида ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши билан характерланади. Неолит даврида тошга ишлов беришнинг илгариги усуллари такомиллашиб бориши билан бир қаторда, одамлар тошни силлиқлашни, арралашни ва пармалашни ўргана бошлаганлар. Шунинг учун археологлар неолит даврини силлиқланган тош даври деб ҳам атаганлар. Шунингдек, суякка ва мўғиз (шоҳ)га ишлов бериш техникаси олдинга борган. Буларнинг ҳаммаси анча такомиллаштирилган махсус тош ва суяк қуроллар яратишга имкон берган. Неолит даврида болталар, йўнғич-тарашлагичлар, исканалар, ўроқлар, дон янчигичлар, ўғирлар ва унинг

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи”, Т. 1974 йил. 49 –бет.

дасталари, тош ва суяк мотигалари кенг тарқалган. Камон ўқлари ва найзаларнинг учлари янада такомиллаштирилган. Бу даврга оид қуроллардан айниқса болта, аввал бошда бутунлигича йўнилган ва фақат дами силлиқланган болта, кейинроқ эса батамом силлиқланган болта муҳим аҳамиятга эга бўлган. Болта билан дарахтлар кесилган, турар жойлар, овлаш учун ҳайвонларни ҳайдаб келиб қамаш иншоотлари қуришда, янги қўчма воситалар (соллар, қайиқлар, чана ва.б.) ясашда қўлланилган.

“Неолит даврида қуроллар ясаш учун янги материал турларидан (диорит, нефрит ва яшмадан) фойдаланила бошланган, шунингдек, ер ости чуқурликларидан чакмоқтош қидиришга киришилган. Чунки кўпгина жойларда чакмоқтош етарли бўлмаган ёки ўша замонга келиб унинг ер устидаги захиралари тугаб қолган. Чакмоқтош шахталарида буғу шохидан ясалган поналар, кирка (чўкич)лар, курак суякларидан белкураклар ва бошқалар топилган.”¹

Неолит даври тошга ишлов бериш янги техникасининг эгалланиши билан бир қаторда, яна битта муҳим техника ютуғи – лойдан пишириб сопол идишлар ясалиши, керамика билан характерланади. Керамика синиқлари – илк ва кейинги неолит манзилгоҳларида тез-тез учрайдиган топилмалар ҳисобланади.

Кулолчилик тўқима идишларнинг ҳамма томонига лой чаплашдан, лой парчасини чуқурча қилиб ўйиш ва шу сингарилардан пайдо бўлган бўлиши мумкин. Дастлаб тасма ёки чирмов техникаси кенг ёйилган. Лойдан чирмовлар ясалган ва уларни қолипга спираль шаклида жойлаб, бостириб қўйилган. Бу ишларнинг ҳаммаси кулолчилик чархи ёрдамисиз қўл билан бажарилган. Илк неолит даврида қўл билан ясалган идишлар қўпол, ёмон пиширилган, махсус чуқурчага ўрнатиш учун идиш таги юмалоқ шаклда ишланган.

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” нашриёти, Т. 1974 йил. 51 –бет.

Сопол идишларни аёллар ихтиро этишган. Сопол идишларнинг ишлатилиши озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибини кенгайтиришга, овқат пишириш ва уни сақлаш усуллари яхшилашга, суюқликни ғамлаб кўйишга имкон берган.

Техниканинг ривожланиши, хусусан ирғитиш-отиш қуролларининг такомиллашиши туфайли кўплаб қулайликлар юзага келди. Бу эса хўжаликда муҳим аҳамият касб этди. Тош қуролларни, фақат кейинчалик кашф этилган бронза (жез) ва темир суриб чикарди ва металлнинг кашф қилиниши ҳамда қўлланилиши кейинчалик бўладиган техника тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Инсон меҳнати техниканинг ва шунинг билан бирга, умуман маданият ривожланишининг асосини ташкил этади. Ибтидоий даврда бу меҳнат жуда оғир бўлган. Шелль даври одами бизнинг кўзимизга жуда ҳам содда бўлиб кўринган кескични тайёрлаш учун қанча меҳнат сарф қилганини тасаввур қилишимиз қийин. “Кузатувчилар қолоқ қабилаларнинг баъзи усталари бирор буюмни ясаши учун баъзида ойлаб вақт сарф қилганликларини ҳикоя қиладилар. Бироқ, ибтидоий даврда меҳнатнинг сони эмас, балки сифати ҳал этувчи роль ўйнаган. Техника имкониятларига кўра кунт билан ишлаш ва пардозлаш ўша даврнинг ҳамма содда буюмларининг ҳаддан ташқари ажойиб белгисидир. Ҳар бир буюм – қурол- яроғ энг юқори мақсадга мувофиқ ва турмушда қўлланиш учунгина яратилган, шунингдек улар зўр муҳаббат билан ишлангандир. Бу буюмларнинг ҳар вақт, имкони борича, нақш ва безаклар билан безаб борилиши бежиз эмасдир.”¹

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 63-бет.

1.3. Хўжалик тараққиёти, овчиликнинг ривожланиши

Дастлабки уруғчилик даври техника тараққиётида муҳим давр бўлиб, бир неча қисмдан иборат анча мураккаб меҳнат, жанговар ва ов қуроллари Неандертал ва ундан олдин яшаб ўтган одамларнинг қуроллариغا нисбатан бой ва турли-туман бўлиб, сифат жиҳатидан анча устунликларга эга бўлган.

Техника тараққиётидаги бу ўзгаришлар овчиликнинг ривожланишига сабаб бўлди-ки, сўнгги палеолит манзилгоҳларининг айримларидан топилган мамонт, ёввойи от, шимол буғуси ва бошқа йирик ҳайвонлар суякларининг кўп миқдорда тўпланиб ётиши овчиликнинг ривожланганлигидан дарак беради. Бу суякларнинг сони Европадаги баъзи ориньак-солютр манзилларида мингтагача етади. Бу ҳол ҳайвонларни овлашда: ўраб олиш, қувиб қамаш, тузоқ қўйиш, ва бошқа овчилик усулларида фойдаланишнинг такомиллаша борганини кўрсатади. Энди тирикчилик воситаларининг асосий қисмини овчилик бера бошлайди. Бу билан одам маданий ривожланиши йўлида яна бир олға қадам қўйди – бир қадам бўлса ҳам, ўтроқликка ўтиш имкониятига эга бўлди. Бу давр манзилларида одамларнинг узоқ вақтгача бир ерда яшаганликлари яққол намоён бўлади.

Зироатчилик анчагина ривожлангунча одамнинг ишлаб чиқариш фаолиятида термачилик билан бир қаторда овчилик ҳам асосий соҳа ҳисобланган. Овчилик одамларни фақат овқат билан таъминлаб қўя қолмади, одам овқат билан бир вақтнинг ўзида ҳаёт кечириш учун зарур бўлган бошқа нарсаларга – тери, суяк, шох, ёғ ва пайга эга бўлди. Қушларнинг патидан безак буюмлари сифатида фойдаланилган ва ундан ёй ўқига қанот ясалган. Ибтидоий даврда овчиликнинг ривожланиши асосида шелль даври тош парчасидан тортиб ўқ-ёйнинг пайдо бўлишигача бўлган қурол-яроғнинг такомиллашуви етади. “Ибтидоий овчиликнинг дастлабки пайдо бўлган вақтларидаёқ турли хил оммавий ов усуллари, бир томондан, ҳайвонни ўраб олиш, қувлаш, иккинчи томондан эса – турли хил тузоқлар, қопқонга ўхшаш овчилик асбоблари, қуш овлайдиган тўрлар жуда катта аҳамиятга

эга бўлган. Дастлабки вақтлардаёқ жамоа бўлиб ов қилинган ва овчилик ажойиб ташкилий хусусиятларга эга бўлганки, бу ибтидоий одамлар уюшқоқлик билан иш кўра олиш қобилятли эканлигидан далолат беради. Якка-якка ов қилиш кейинги босқичларда ривожланади. Ибтидоий овчиликда ҳайвон ёки қуш товушига тақлид қилиш ёки ўша ов қилинаётган ҳайвон терисига ниқобланиш жуда кенг тарқалган усул ҳисобланган.”¹ Азиль давридан бошлаб қўлга ўргатилган ит энди одамнинг ов вақтидаги содиқ йўлдошига ва ёрдамчисига айланади. Ит ибтидоий одам ҳаётида яна бир муҳим хўжалик ролини ўйнаган: у манзилларни кўриқлаган, хавфдан огоҳлантирган, кўчиш вақтида баъзан транспорт хизматини ўтаган. Овчиликда лочин, бургут ва бошқа қушлардан фойдаланиш анча кейинги даврларда бошланган.

Овчилик қанча ривожланган бўлмасин, у ишлаб чиқариш фаолиятининг бирдан-бир асосий соҳаси бўлолмайди ва фақат овчилик билан кун кўрган халқлар ҳеч қачон бўлмаган. Тараққиётнинг маълум босқичида ёки маълум жамиятда овчилик қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, у барибир бошқа соҳалар билан бирга қўшиб олиб борилади. Қулай шароит мавжуд бўлган ерларда, айниқса ўрмонли жойларда овчилик тезроқ ривожланади ва узоқ вақт сақланади. Бошқа жойларда эса, қулай шароит бўлмаганлиги учун овчилик мутлақо ривожланмайди. Овчилик кўпинча мавсумий бўлиб, бу ҳолда у балиқчилик соҳаси билан қўшилиб кетади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан овчилик иккинчи даражали машғулот бўлиб қолади. Ибтидоий овчиликнинг мақсади овқат ва бошқа кун кечириш воситаларини топиш ҳисобланади.

Бизга маълумки мезолит даврида фаунанинг ўзгарганлиги сабабли ҳайвонларни ўраб олиб овлаш иккинчи даражали машғулот бўлиб қолган. Овчилик маълум даражада якка-якка ҳайвонларни қидириш тусига кира бошлаган. Камон ва ўқлар пода ҳолида яшамайдиган чопқир ҳайвонларни

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 67-бет.

овлашни осонлаштирган, шунингдек илгари одам овлай олмаган ёввойи кушларни овлашга имкон берган. Қулай шароитлар бўлганида овчилар кўп ўлжаларга эга бўлганлар. Ўлжанинг ҳаммаси бир йўла ейилмаган, унинг бир қисми яраланган ҳайвонлар ёки уларнинг янги туғилган болалари шаклида қолиши мумкин бўлган. Бу нарса ҳайвонларни қўлга ўргатиш мумкинлиги ҳақида фикр туғдирган. “Ит дастлабки уй ҳайвони бўлган. Итни қўлга ўргатиш осон бўлган. Чунки одам нима билан овқатланса, у ҳам шу билан, шунингдек овқат қолдиқлари билан овқатланган. Эҳтимол, ит одамларни овқат қолдиқларини еб уларга эргашиб юргандир.”¹

Овчиликнинг ривожланиши муносабати билан эркак ва аёллар ўртасида меҳнат тақсимоти масаласи алоҳида диққатга сазовордир. Овчилик ривожлангач, у асосан эркакларнинг машғулотига айланади, термачилик эса фақат ёки деярли аёлларнинг иши бўлиб қолади. Аёллар овчиликда, айниқса унинг оммавий шаклларида, ҳар ҳолда иккинчи даражали бўлса-да, ўз ролини сақлаб қоладилар.

I.4. Турар жой ва кийим-кечакларнинг пайдо бўлиши

Уруғчилик даври манзилгоҳлари энди одамларнинг узоқ вақтгача бир ерда яшаганликларини кўрсатади. Шу билан биргаликда, улар энди ўз манзилларини ўтган даврлардагидек ғорларга эмас, балки деярли қоялар билан тўсилган очиқ майдонларга қурганлар. Ориньяк-солютр босқичи манзилларида яшаш ва ўтроқликнинг бошланишидан ташқари, доимий турар-жойларнинг вужудга келиши билан ҳам машҳурдир. Сўнгги палеолит даври турар-жойларининг жуда кўп намуналарини кўздан кечириб, улар баъзан тагига плита терилган ва атрофи тошлар билан ёпилган ёғоч томи конус шаклида, ўзи чуқур қилиб ишланган ярим ертўладан иборат дейиш

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” нашриёти, Т. 1974 йил. 49 –бет.

мумкин. Қазиб очилган ертўлаларнинг баъзилари анча-катта, улар 200 м² гача етади. Ертўлалар ичида ўчоқлар бўлган. Бу даврдаги баъзи манзиллар бир неча ертўлалардан иборат бўлиб, афтидан, юз нафарча катта ёшдаги кишилари бўлган кичик қишлоқларни ташкил этган.

“Турар-жой олдин пайдо бўлганми ёки кийим-кечакми, деган масала кўп марта ўртага ташланган. Бир қатор қоқоқ қабилалар мутлақо ёки деярли кийим-кечакни билмагани ҳолда, уларнинг ҳатто энг қоқоқларида ҳам турар-жойларнинг бўлганлиги этнографияга маълумдир. Мана шуни назарда тутилса, уй-жойлар кийим-кечакдан олдин бўлган деб ҳулоса чиқариш мумкин”¹

Уй-жойнинг асосий вазифаси одамни ноқулай иқлим ва атмосфера ҳодисаларидан: совуқдан, шамол, ёмғир, ҳаво ва тупроқ намлигидан ҳимоя қилишдир. Шунинг учун ибтидоий одам қулай шароитларда, айниқса кундузи очик ҳавони афзал кўриб, ўз уй-жойидан фойдаланмайди. Айрим ҳолларда уй-жой йиртқич ҳайвонлар ва, шунингдек, жонга тегадиган ҳашаротлардан сақланиш учун ҳам хизмат қилади. Уй-жойларнинг пайдо бўлишига уларнинг фақат одамни ҳимоя қилишигина эмас, балки жуда қадимги даврда одамнинг доимий йўлдоши бўлган, ва ўз навбатида, шамол ҳамда ёмғирдан ҳимоя қилиниши керак бўлган гулхан ҳам сабабчи бўлган.

“Дарахт устига шох-шаббадан тўқилган уя дастлабки вақтларда турар-жой хизматини ўташи мумкин эканлигини айтишимиз мумкин. Шундай бошпаналар анчагина тараққий этган қабилаларда ҳозир ҳам мавжуддир. Ҳозирги вақтда деярли йўқ бўлиб кетган бушменларнинг номи уларнинг катта бута шохларига тўқиган бошпаналаридан олинган (голландча “busch” бута ва “men” одам).”²

Одамнинг энг дастлабки турар жойлари ғорлар ва дарахтларнинг коваклари бўлгани ҳақида кўп гапирилади. Буни археологик ёдгорликлар ҳам тасдиқлайди. Лекин ғорлар ҳам, дарахт коваклари ҳам табиат

^{1,2} Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 96-97-бет.

томонидан берилган табиий бошпаналардир. Улардан фойдаланиш ибтидоий маданият тарихида ҳали тараққиёт ходисаси эмасдир. Бундан ташқари, ғорлар ҳамма жойда ҳам бўлавермайди, ва ибтидоий одам кўчиб юрган ҳамда тўхташи зарур бўлган ерда ҳаммавақт ҳам учрайвермайди. Шунга қарамай ғор ҳақиқатдан ҳам узоқ вақт одамларнинг бошпанаси бўлиб қолган. Палеолитдан то бронза давригача бўлган маданий қатламлар сақланган барча археологик ёдгорликлар – ғорлар мавжуддир.

Ибтидоий турар жойларнинг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг ривожланишини уч босқичга бўлишимиз мумкин.

“Одамнинг энг олдин ва жуда содда қилиб қурган турар-жойи шамол тўсиғи ёки ғовдан ва ерда қавланган ўрадан иборат бўлган. Бу одам учун ҳам ва унинг гулхани учун ҳам вақтинчалик бошпана бўлиб, ходалар, шохлар ва дарахт пўстлоқларидан осонгина ишланади ва бошқа жойга кўчганда ташлаб кетилаверади. Бундай ғовлар иссиқ иқлимда ўлкаларда ёки ёз фаслида бошпана хизматини ўтаган ҳолда, усти шох ва тупроқ билан ёпилган ўра совуқ иқлимда ва қиш пайтида энг содда бошпана хизматини бажарган. Бундай ўра анчагина чуқур бўлиб, уни кертиб қўшилган ходалар устидан юриб тушилган.”¹

Шу энг содда икки шаклдан ер ости ва ер усти турар-жойлари пайдо бўлди. Биринчиси – чайла ёки қапа, иккинчиси эса ертўладир.

Турар жойларнинг иккинчи ривожланиш босқичига тегишли бошқа шакли – ертўлалар жуда содда бўлса ҳам, ҳар хил кўринишга эга бўлган. Улар ерни қанчалик чуқур ўйилгани билан бир-биридан фарқ қилади. Улар турли хил бўлиб, баъзилари тупроқдан қурилади ва ер устидан кўтарилиб туради, баъзилари эса ерга чуқур қазилиб, усти ер билан баробар бўлади.

Гарчи чайла ёки қапа кўпроқ иссиқ иқлимга, ертўла эса совуқ иқлимга хос бўлса ҳам, бу иккала тур бир вақтнинг ўзида, бири ёзлик, иккинчиси қишлик турар-жой сифатида учрайди.

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 97-бет.

Нихоят, турар-жойларнинг ривожланишидаги учинчи босқичда катта ўзгаришлар содир бўлди. Уй қурилишининг бир-биридан мустақил қисми сифатида девор ва том пайдо бўлди. Шунинг билан бирга у доимий турар-жой бўлиб қолди. Бу уйларнинг қурилиш ашёлари ҳам жуда хилма-хилдир. Лекин у ҳар вақт доимий ва кўчирилмайдиган бўлгани учун енгил ашёлар – ёғоч, лой, тош, ва бошқа шу сингари оғир ва чидамли ашёлар билан алмашди. Бу кўринишдаги иншоотлар баъзан фақат қишлоқ турар-жой хизматини ўтаган, шу билан бир вақтда биз кўрсатган иккинчи босқичдаги турар-жойлар ёзлик турар жойлар сифатида сақланиб қолган.

“Ибтидоий уйларнинг дастлабки хиллари одатда ички хоналарга бўлинмаган. Анча кейин улар марказий устун билан икки қисмга: эркаклар ва аёллар хонасига ажратилган. Кейинчалик эса деворлар ва айрим хоналар пайдо бўлган.”¹

Юқорида кўрсатилган уйларнинг ҳаммасида ҳам ичкарига кириш йўли жуда соддадир. Баъзан уйга кириш шунчалик қийин бўлганки, ундан яшовчилар ичкарига эмаклаб киришган. Ибтидоий турар жойларда умуман эшик бўлмаган. Кириладиган тешикка пўстлоқ ёки бўйра осиб қўйилган. Уй ҳеч нарса билан, ҳеч қачон беркитилмаган, бироқ ибтидоий даврда уй эгасининг йўқлигини билдирувчи белги яратилган: бу белги кираверишга қўйилган таёқ ҳисобланади.

Ибтидоий жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида турар-жойлар қуриш (юқорида кўрсатилган турар-жойлар тарихининг биринчи ва иккинчи босқичларига тегишли) аёлларнинг иши бўлган. Кўчиш вақтида ҳам турар жойни аёллар кўтариб борганлар. Анча кейинги босқичларда мустақкам ва доимий турар-жойларни қуриш асосан эркакларнинг иши бўлиб қолди.

Турар жойларнинг пайдо бўлиши масаласи анча осон ҳал қилинган бўлса, қийимнинг пайдо бўлиш масаласи бир мунча мураккабдир. Қийимнинг пайдо бўлишига совуқдан сақланиш зарурияти сабаб бўлган

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 101-бет.

деган фикр энг кўп тарқалган, шунинг учун ҳам кийимнинг ватани шимол ёки умуман совуқ иқлимли мамлакатлар деб ҳисобланади.

“Кийимнинг келиб чиқишини безаклар билан боғловчи назария жуда кенг тарқалган. Бунда кийим одамнинг ўз танасини безатишга интилишидан келиб чиққан, яъни безак кийимга айланган, дейдилар. Одамда бошқалардан фарқ қилишга интилиши хусусияти бор. Эрака ва аёлларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида роль ўйнайди. Кийим ижтимоий айирмалар, мансаб ва ҳоказолар билан боғланган, деб кўрсатадилар. Кийим билан безак ўртасида ҳақиқатан ҳам алоқа бор, аммо бу алоқа аввало шундан иборатки, кийим кийилади, безак эса тақилади.”¹

Кийимнинг асосий ва энг қадимги хилларини айтиб бериш жуда қийин, аммо булар, камар, ёпинчик, пешбанд, ва бошқалардан иборат бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Дастлабки вақтларда энглар ва иштон почалари кийимнинг мустақил тури бўлган, уларни анча кейинги вақтлардагина бир-бирига улаганлар. Ибтидоий даврда кийимлар ички ва сиртқи кийим деб умуман ажратилмаган. Сўнгги палеолит ёдгорликларидан, хусусан Франциянинг жанубидаги Плакар ғорида, салютр қатламидаги ёдгорликлардан бирининг ичида суяк игналар солинган (куш суягидан ишланган) игнадон топилган. Суяк игналарнинг топилиши кийим тикиш ҳунари кишилиқнинг анча қадимий ютуғи эканини кўрсатади. Ибтидоий даврда пойафзал кийим-кечакка нисбатан анча кам тарқалган эди. Пойафзал ҳаммадан илгари алоҳида маҳаллий шароитларда: совуқ иқлимли ёки тошлоқ ерларда пайдо бўлган. Пойафзал одатда тери ёки чармдан ишланган.

Кийим-кечакка ишлатиладиган ашёлар жуда турли-туман бўлиб, кўп жиҳатдан маҳаллий шароитга ҳам боғлиқ бўлгандир. Йирик ҳайвонлар Бўлмаган ҳудудларда тери ёки чармдан ишланган кийим-кечаклардан таш-

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 103-бет.

кари барг, похол, камиш, куш терилари сингари жуда содда материаллар ишлатилган. Ниҳоят, сўнгги босқичларда кийим-кечак тайёрлаш учун ўсимлик толаси ва жундан кенг фойдаланилган.

I.5. Ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик

“Деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши ҳамда унинг тарқалиши ибтидоий ва ҳамма давр жамиятлари тарихи иқтисодий ҳаёти учун бениҳоя чексиз аҳамият касб этувчи воқеъликдир.”¹ Ибтидоий давр хўжалик ҳаётининг энг буюк ютуғи ҳам неолит даврида келиб чиқди.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг келиб чиқиш жамиятнинг бундан кейинги ривожланишида жуда катта роль ўйнади.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келишини ўрганиш энг қийин ва айни пайтда энг шарафли масала бўлиб, кўпдан бери жаҳон олимларининг эътиборини ўзига тортиб келади. Хўжаликнинг бу икки буюк тармоғининг келиб чиқиши ҳақида олимлар орасида қизғин тортишувлар мавжуддир.

Деҳқончилик билан дастлаб аёллар шуғуллана бошлаган, деган фикр барчага танишдир. Деҳқончилик аёллар меҳнатининг махсус соҳаси бўлган термачиликдан бевосита ривожлангандир. Ривожланган термачилик билан шуғулланган даврда термачилар истеъмол қилиб бўлган ёввойи ўсимликларни озми-кўпми парвариш қилганлари ва уларни кўпайтириш учун ғамхўрлик кўрсатганларини айтиб ўтган эдик. Шунинг учун ҳам ёввойи ўсимликларнинг ўсиш шароитини ва пишиб етилишини кузатиб юрган аёллар деҳқончиликни кашф этганлар, деган фараз жуда ишонарлидир.

¹ Kabirov.A. “Ibtidoiy jamiyat tarixi” (Ma’ruzalar matni) Toshkent - 2005 yil 73-bet.

Дехқончилик дастлабки вақтларда унча ривожланмаган. У ўсимликларнинг бир ёки бир неча турини турар-жой яқинидаги кичик майдонда ўстиришдан иборат бўлган. Дехқончиликнинг мана шу содда шакли ҳам янги, доимий ва анча енгил топиладиган тўйимли овқат бера бошлайди. “Табиийки тирикчилик воситаларини топишнинг бу усули тез ривожлана бошлади ва у термачилик, овчилик ҳамда балиқчиликни иккинчи ва ундан ҳам пастроқ ўринга тушириб қўйди.”¹

Бироқ деҳқончиликнинг ривожланиши учун муносиб ер майдонлари керак эди. Ибтидоий даврда тайёр ер майдонлари бўлмаган. Унумсиз, куруқ саҳроларни эътиборга олмаганда, қолган барча ерлар ўрмон, чангалзор, ёки чўл бутазорлари билан қопланган, ёки сув босадиган пастқам ботқоқликлардан иборат бўлган. Ўсимликлар билан қопланган бундай ерларни аввало тозалаш ва экин экиш учун тайёрлаш зарур эди. Бу эса зўр меҳнат ва тегишли қуролларни талаб этар эди. Шунинг учун ҳам баъзи жойларда деҳқончилик худди ана шунда й ботқоқлик ерларда ривожланди. Ботқоқ деҳқончилигининг янада ривожланиши учун ҳар ҳолда деҳқончилик техникаси талаб этиларди. Сув босадиган ботқоқли ерда экиннинг ўсиб чиқиши ва унумдор бўлиши учун табиий бўлса ҳам у ерда нам керагидан анча қўп бўлиши мумкин. Бу ҳолда сувнинг тўпланиши ва тақсимланишини алоҳида каналлар тизими ёрдами билан тартибга солиш зарурияти туғилади.

Очиқ жойлар деҳқончилик учун ярамаганлиги учун. Бунга шамол катта зиён келтирган. Бу пайтга келиб, шамолдан табиий тўсилган жой топиш зарурияти туғилади. Аммо бунинг учун ҳам керакли майдонни ёввойи ўсимлик ва дарахтлардан тозалаш керак эди. Маълум миқдорда қолдирилган дарахтлар табиий равишда далани ихота қилиб турарди. Овчи ва термачиларга таниш бўлган куруқ ўтларни ва ўрмонни куйдириш тажрибаси уларда куйдирилган ерга экин экиш фикрини уйғотди. Эҳтимол,

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 70-бет.

дастлабки вақтларда шундай қилингандир. Бироқ, бир томондан, ўсиб турган ўрмонга ўт қўйиш ҳар вақт ҳам осон бўлмаган. Иккинчи томондан эса, ҳавфли фалокат бўлган олов зўрайиб кетган ва кишилар учун жиддий ҳавф солган. Қандай майдон кераклигига ва уни қайси жойдан очиш қулай бўлишига қараб, уни куйдириш масаласи туғилади. Техниканинг ривожланиши бу масалани ҳал қилади. Оддийгина болта бу ерда ўзига хос инқилоб ясайди. “Энг содда тошболта дарахт ва бутазорларни кесиш имкониятини берди. Кейинчалик эса, кесилган дарахт ва ўтлар қуригач, уларни ёқиб юборганлар. Яна шуни айтиш керакки, бунда қандайдир вақтда яна бир муҳим кашфиёт қилинган, яъни – ёнишдан қолган кулнинг ўғит эканлиги аниқланган.”¹

Ибтидоий жамиятда деҳқончиликнинг асосий шакли бўлган ва ҳозир ҳам баъзи қабила ва халқларда кенг тарқалган ўрмонни кесиб, ёндириб деҳқончилик қилиш усули мана шу тариқа пайдо бўлган.

Дарахт кесадиган тошболтадан ташқари, учи куйдирилиб, ўткирланган ва термачиликда фойдаланиладиган таёқ, энди кавлаш қуроли сифатида, бу ибтидоий деҳқончиликнинг энг содда қуролига айланди. Бу таёқнинг учи баъзан япалоқ қилиб ишланади. Белкурак ёки ёғоч куракнинг келиб чиқиши шундан бошланади. Баъзан кавлаш таёғи оғир бўлсин учун, унга пармалаб тешилган тош кийгизилиб қўйилади. Анча мукаммаллашган ва энг кўп тарқалган қурол бу – мотигадир. Шунинг деҳқончиликнинг илк шакли мотига асосидаги деҳқончилик деб аталади. Мотига дастлаб оддий дарахт шохи ёки новдадан иборат бўлган. Мотиганинг жуда кўп турлари мавжуд. У ривожлана боради, таёқнинг ўз учи ўрнига энди ёғоч, тош, суяк ёки чиғаноқдан ясалган “тиғ” ўрнатилиши билан у таркибий қуролга айланади.

Ибтидоий деҳқончиликнинг содда қуроллари мана шулар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай деҳқончиликка одам меҳнати, меҳнатнинг ташкил

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 71-бет.

этилиши ва меҳнат тақсимоти муҳим роль ўйнайди. Мотиға асосидаги деҳқончиликни фақат аёллар бажарга деган фикр кенг тарқалган. Бу фикр нотўғридир. Биринчидан, бу мураккаб ва узоқ вақтга чўзиладиган иш яхши уюшган катта ёшдаги одамлар гуруҳининг жамоавий меҳнатини талаб қилади ва, бинобарин, бу ишни анчагина таракқий этган уруғчилик тузумида бажариш мумкин эди.

Мотиға асосидаги деҳқончиликнинг ривожланиши, бу деҳқончилик техникасининг қолоқлиги ва бўш ерларнинг етишмаслиги натижасида ўз чегарасига бориб етди. Деҳқончиликнинг янада ривожланиши бир майдоннинг ўзини интенсив равишда ишлаш йўли билангина, баъзи ерларни эса чуқурроқ ҳайдаш йўли билангина бориши мумкин эди. Лекин бунга эришиш учун одамнинг жисмоний кучи ва жўнгина мотиганинг ўзи камлик қиларди. Ерни ишлаш учун бошқа, анча қудратли куч қўлланиш талаб қилинар эди. Одам табиатни енгиб бориб, бу янги кучни топди ва уни деҳқончиликда ўзига хизмат қилишга мажбур этди.

“Дастлаб одамлар ўзлари яшаётган жойларда ёввойи шаклда ўсиб-унадиган фойдали ўсимликларни экиб ўстиришган. Масалан, шолининг ватани Ҳиндихитой, маккажўхори (маис), картошка, кунгабоқар, тамаки ва қовоқники – Америка, арпаники – Олд Осиё ва Арабистон, буғдойники – Осиё, Шимолий Америка ва Европа, қарамники – Жанубий ва Ғарбий Европа, чойники – Хитой, кофеники Абиссиния (Ҳабашистон), қақонинг ватани Марказий Америкадир, ва ҳоказо. Тариқ, арпа, буғдой, шолӣ энг қадимги бошоқли экинлардир. Жавдар ва сули кейинги бошоқли экинлар қаторига киради. Жавдар Кавказ ва Каспий денгизидан жануб томондаги мамлакатларда пайдо бўлган. Тариқ билан сулининг ватани аниқланмаган.”¹ Одам фойдаланадиган деярли барча маданий ўсимликлар ибтидоий одамлар томонидан жуда кўп ёввойи ўсимликлар орасидан танлаб олинган. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли экинларидан кўпчилиги

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.Е.А. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” , Т. 1974 йил. 55 –бет.

неолит даврида маълум бўлган. Маданий экинлар алмашиш орқали бутун Ер юзиде тарқала бошлаган.

Дехқончиликни олий шаклга ўтказиш учун одам янги маданий ғалабага эришиши – ҳайвонларни қўлга ўргатиши ва уларни уй ҳайвонларига айлантириш керак эди. Ҳайвонларни қўлга ўргатилиши ва уй ҳайвонларига айлантирилишининг вужудга келиши ҳақида бир қанча ўзига хос назариялар бор. Бир нарса шубҳасизки, биронта ҳайвон уй ҳайвонига айлантирилишидан олдин, аввало қўлга ўргатилиши лозимдир.

Бир назария қуйидагича таърифлайди: овчи урғочи ҳайвонни ўлдиради, унинг тирик қолган болалари эса олиб кетилган онаси орқасидан табиий равишда эргашиб боради ва аёллар уларни боқиб катта қиладилар.

Натижада улар қўлга ўрганиб қолади. Бошқа назарияга мувофиқ шундай ҳайвонларнинг алоҳида турлари одамга ўзлари илакишиб келадилар.

Уй ҳайвонларини урчитиб кўпайтириш дастлабки вақтларда анча чекланган бўлса керак, лекин вақт ўта бориши билан у хўжаликнинг муҳим тармоғига айланган. Уй ҳайвонлари одамга гўшт, тери, жун, ёғ, суяк берган, юк ташиган ва ерни ҳайдаган, ва ниҳоят, ўғит берган. Уй ҳайвонларининг сути анча кейинроқ истеъмол қилина бошлаган бўлса керак.

“Ҳар хил ҳайвон турларини хонакилаштириш жуда оғир иш бўлиб, бу жараён узок вақт давом этган. У ҳайвонларни танлаш ҳамда чатиштиришдан иборат бўлган. Ибтидоий одам учун бу иш, албатта, қийин бўлган. Шунини айтиш кифояки, одам ер юзиде хонакилаштириш мумкин бўлган 140 минг тур ҳайвондан жуда оз қисмини, атиги 47 турнигина хонакилаштиргандир.”¹

Чорвачилик дастлабки вақтларда одамни асосан гўшт билан таъминлаш мақсадига эга эди. Баъзи чорвачилик қабилалари шохли молларнинг жуда катта подаларига эга бўлса ҳам, на сут ва на сут маҳсулотларини истеъмол қилишни билмаганликларига қараб, айрим жойларда сут чорвачилиги анча кеч пайдо бўлган дейишимиз мумкин.

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 83-бет.

Чорвачиликнинг баъзан жуда тез суръатлар билан ривожланиши учун кулай шароитлар мавжуд эди. Кўпинча чорвачи халқларнинг подасидаги қорамоллар кўп минг бошгача етган. Бироқ чорвачиликнинг ривожланиши бир қатор муҳим шароитларни талаб этарди. Чорвачилик билан фақат географик шароити ва ҳудуди мос бўлган жойлардагина шуғулланиш мумкин, ва шу билан бирга, мувофиқ яйловлар бўлиши ҳам керак. Шунинг учун ҳам табиийки, чорвачилик асосан чўл ҳудудларида кучли ривожланган.

Баъзи бир географик ҳудудларда тоғлар чорвачилик ва деҳқончилик учун жуда кулай бўлган. Ўтларга бой тоғ ёнбағирлари, айниқса баланд тоғ альп ўтлоқлари ажойиб яйловлар бўлган. Тоғ чорвачилиги тобора ривожланиб, яйлов чорвачилиги шаклини олади. Чорва қиш фаслида тоғ этакларида ўсган ўтлардан маҳрум бўлади, ем-хашақларни қишда тайёрлаш ва кўп сонли молларни оғилхоналарда сақлаш тоғларда ҳаддан ташқари оғир ишдир. Шунинг учун тоғликлар қиш яқинлашиб келиши билан ўз чорваларини, кўпинча қўйларни пастга ҳайдаганлар.

Чорвачилик ва деҳқончиликнинг вужудга келиши одамнинг ишлаб чиқаришда биринчи энг катта ғалабаси бўлди. Агар одам териб-термачлаб овқат топиш ва ов қилиш замонларида табиатнинг тайёр маҳсулотларинигина ўзлаштириб келган бўлса, чорвачилик ва деҳқончиликка ўтиш билан у ўзини анча хилма-хил, энг муҳими, мунтазам озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳсулотлар етиштира борган. Гўшт, дон, сабзавот шаклида доимий овқат захиралари пайдо бўлган. “Деҳқонлар ўтроқ ҳолда яшаганлар. Кўпгина халқларда деҳқончилик билан чорвачилик айна бир замонда ривожланган. Аммо чорвадорлар учун деҳқончилик ва деҳқонлар учун, аксинча, чорвачилик қўшимча машғулот ҳисобланган.”¹

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” нашриёти, Т. 1974 йил. 55 –бет.

II-боб. Уруғ жамоасининг маънавий маданияти

II.1. Тафаккур ва тилнинг пайдо бўлиши

Тафаккур тил билан бирга, жамоавий равишда олиб борилган меҳнат билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланган. Тафаккур дастлабки вақтларда қанчалик чегараланган бўлмасин, маълум даражадаги хулосалар, тушунча ва тасаввурлар ифодаси бўлиб, кузатиш ва тажриба маҳсулидир. Шундай қилиб, тафаккурнинг асоси аниқ ва мантиқийдир. Мана шундай мантиқий тафаккурсиз шелль тош кечгичининг яратилиши мумкин эмас эди. Чунки у бир мантиқсиз ҳаёл ва ғайритабиий асосда тасодифий равишда пайдо бўлган эмас. Мантиқий тафаккурсиз бу турли-туман ибтидоий моддий маданиятнинг ва бизга энди маълум бўлган ўша ижтимоий тузумнинг ривожланиши мумкин эмас эди. Жамоадаги меҳнат, кузатиш, тажриба, онг, фикр, тушунча, тил, билим – буларнинг ҳаммаси ўзаро ажралмас алоқада ва бир-бирини тақозо қилади. Улар ягона бир занжирнинг қатор ҳалқаларидан иборат бўлиб, одамни ҳайвондан ажратувчи, уни табиат устидан ғолиб қилувчи белгилардир. Буларнинг ҳаммаси маданиятнинг ғолибона тараққий этиши учун асос бўлди.

“Албатта, ибтидоий одамнинг тафаккури ҳам, тили ҳам, тушунча ва билими ҳам анча чекланганлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бироқ, буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш кучларининг характери ва уларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.”¹

Нутқ аввал бошданок товуш нутқи, ноаниқ нутқ бўлган. Дастлаб одам, бошқа ҳайвонлар каби, узук-юлуқ қичқириқдан иборат бўлган. Хурсандчилик, оғриқ ёки кўрқиш билан боғлиқ бўлган шу каби қичқириқлар одам кўкрагидан беихтиёр чиқиб, атрофдаги одамларга ўз шеригининг қандай аҳволга тушиб қолганлигини билдирган. Бир хилдаги яшаш шароитлари бошқа кишиларнинг эшитиб қолган қичқириқ сабабини

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 146-бет.

деярли хатосиз аниқлашларига имкон берган. Имо-ишора товуш нутқида ёрдамчи белги бўлган.

Меҳнат жараёнида кузатиш ва тажриба орттириш натижасида янгидан-янги тасаввурлар ва тушунчалар пайдо бўлди, тафаккур ҳам, тил ҳам ривожланди. Янги сўзлар пайдо бўлди, сўзларнинг маънавий мазмуни бойиди, грамматик шакллари ривожланиб борди.

“Тафаккур ва тилнинг кузатиш ва тажриба билан боғлиқлиги энг содда тилларнинг характерли хусусиятида – уларнинг аниқлигида яққол намоён бўлади. Бу ҳол тилнинг маълум ном ва аниқловчиларга нисбатан бойлиги, ва умумлаштирувчи тушунчаларнинг ниҳоятда камбағаллиги билан ифодаланади. Тафаккур ҳамда тилнинг бундай аниқлиги ҳозирги замон қолақ қабилаларининг ҳаммасига хосдир. Баъзи қабилаларнинг тилида шу ерда ўсадиган турли дарахт навларининг ҳаммаси учун алоҳида-алоҳида номлар бўлиши, лекин шу билан бирга, “дарахт” сўзининг ўзи бўлмаслиги мумкин.”¹

Тафаккур билан маҳкам боғланган тил ноаниқ товуш тилидан бошлаб то уруғларнинг, кейинчалик қабилаларнинг аниқ тилларига қадар узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. Қабилавий тиллар ўрнини синфий жамиятлардаги халқларнинг тиллари эгаллади. Неолит даври охири ва металл асрининг бошларига келиб, асосий қардош тиллар оилалари таркиб топа бошлади.

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” нашриёти, Т. 1974 йил. 60 –бет.

II.2. “Сигналлар тили”

“Фикр англатишнинг яна бир содда усули ҳам мавжуд бўлган. Бу – “сигналлар тили” бўлиб, бирон хабарни аниқ белгилар ёрдами билан ифодалашга хизмат қилади. Австралияликлар ўз жойларини ташлаб кетаётганларида оёқлари билан қумга чизиқ чизадилар ва чизиқнинг учига хивич тиқиб қўядилар. Чизиқнинг йўналиши ва қайси томонга ва қанча масофага кетганлигини кўрсатади. Бу белги ўз гуруҳларининг кечикиб қолган аъзолари ва шунингдек меҳмонлар учун қилинади.”¹

“Сигналлар тили”нинг қўлланадиган ҳоллари ва шаклларининг ҳаммасини санаб чиқиш қийин. Бунга йўлни кўрсатишнинг турли усуллари: эгилган ёки синдирилган новдалар, алоҳида қўйилган тошлар, овланадиган ўлжани кўрсатиш, душманнинг пайдо бўлиши, ёки хавф-хатарлардан огоҳлантириш ва бошқа шу каби турли хил белгилар киради. Узоқдан бериладиган сигналлар жуда мазмунлидир. Бу сигналлар баъзан маълум марта қичқириш, кўпинча сунъий товуш чиқариш, масалан, дўмбира чалиш ёрдами билан, шунингдек олов ёки тутун ва ҳоказолар ёрдами билан берилади. Чўл каби очик жойларда олов ёки тутун каби кўринадиган сигналлар, ўрмонларда эса эшитиладиган сигналлар, овоз кўпроқ қўлланилади.

Бирон хабар, фикр ёки туйғуни ифодалаш учун маълум бир буюмни совға қилишни – “символлар тили”ни ҳам “сигналлар тилига” киритиш мумкин. Жўнатиладиган сигналлар – хабарлар алоҳида категорияни ташкил қилади. Шимолий Америка ҳиндларида томагаук (сўйил) юбориш уруш эълон қилишнинг белгиси ҳисобланади. Томагаук душманга алоҳида элчи билан юборилган. У томагаукни душманга олиб бориб, ерга қўйган. Агар қарши томон томагаукни ердан кўтарса, урушга рози эканлигини билдирган. Томагаукни кўмиш эса сулҳ тузишни билдирган. Геродотнинг ҳикоясига кўра, бир вақтлар эронийлар массагетларга қарши ҳужум

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 148-бет.

килганларида улар эронийларга шунга ўхшаш символик нарсалар юборганлар.

Битта ёки бир неча тугунли каноп юборилса, “сигналлар тили”да таклифни билдирган, тугунларнинг сони эса бу таклифнинг қанчалик шошилинич эканлигини кўрсатган. Мотам сигналлари анча кенг тарқалган сигналлардандир. Бу сигналлар, масалан, ўликнинг бир тутам сочи ингичка таёкчага ўралган ва баргчага қўйилган ҳолда қариндошларига юборилган. “Сигналлар тили” ўз навбатида жамият таракқиётида муҳим маданий-тарихий роль ўйнаган, хусусан, ҳарбий ва мудофаа ишларида катта аҳамиятга эга бўлган.

II.3. Билимларнинг пайдо бўлиши

“Одам тафаккур, нутқ ва бошқа усуллар орқали жамоада фикр алмашиб, тажриба ва кузатиш натижаларини тўплаб, сабаб ва оқибатни ажрата билишни ва бир-бирига боғлашни, хулоса чиқаришни ўрганиб ва кейинчалик тўғридан-тўғри тажриба қила бошлаб, ўз ақлининг мантикий қобилиятини ривожлантирган ва билимлар доирасини кенгайтира борган.”¹ Биз ибтидоий одамлар билимларининг даражаси ҳақида фақат этнографик маълумотлар асосидагина фикр юрита оламиз. Бунда биз билимларнинг ишлаб чиқариш кучлари таракқиёти даражаси ва одам меҳнат фаолиятига, унинг меҳнат малакасига бевосита боғлиқ эканини кўрамиз ва бу билимлар кишилар ривожининг мазкур босқичи ва мазкур шароитларида унинг эҳтиёжларини ифодалайди. Албатта, бу даврда билим даражаси чекланган бўлса ҳам, аммо оз эмас, баъзан ўзича анча бой бўлган. Мавжуд маълумотлар асосида ибтидоий одам ўз фаолиятининг барча соҳалари бўйича тўплаган билимларини айтиб бериш қийин. Қурол-яроғлар тайёрлаш, термачилик, овчилик, балиқчилик, деҳқончилик ва чорвачилик –

*Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи” Т. 1974 йил. 86 –бет.

буларнинг ҳаммаси жуда кўп билимлар тўпланиши натижасида ривожланган.

Ўз жойини билган, қабила ва ҳатто қўшни қабила территориясининг рельеф карталарини кумга, ёғочга, пўстлокқа, териға чиза олган ибтидоий одамларнинг географик билимлари яхши бўлганлиги бизга аёндир.

Овчилик, ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши, ейиладиган ўсимликларни, меваларни йиғиб-териб олиш ботаника ва зоология соҳасидаги бошланғич билимлардан дарак беради. Одамлар шу ўсимлик ва меваларнинг таъм-маза сифатлари ва даволаш хоссаларини билиб олишни жуда барвақт ўрганишган.

Ўсимликларга хос даволаш хусусиятларининг кашқ этилишидан ибтидоий тиббиётда куқунлар, заҳарлар, малҳам ва бошқалар тайёрлаш учун фойдаланилган. Мезолит давридан эътиборан шикастланган қўл ва оёқларни жарроҳлик йўли билан кесиб ташлаш (ампутация қилиш) усули қўлланила бошлаган. Даволашнинг жисмоний воситалари – массаж, силаш-уқалаш, қон олиш, совуқ ва иссиқ компресс қўлланилган. Фақат ўсимлик дориларидангина эмас, балки ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланадиган ва минерал дори-дармондан ҳам фойдаланилган. Оддий тиббиёт фақат тажрибага асосланган. Ибтидоий одамлар касалликларнинг сабабларини, киши организмнинг тузилиши ва фаолиятини билишмаган. Даволаш сеҳргарлик билан чирмашиб кетган.

“Ибтидоий одамларда санаш энг бошланғич ҳолатда бўлган. Одатда учгача, баъзан бешгача санашган, бундан юқориси эса “кўп” сўзи билан белгиланади. Агар ҳисоб бироз ривожланган бўлса, у ҳолда тўрт – “2+2”, беш эса “2+2+1” каби ифодаланади. Кўпгина халқларда беш рақами “қўл”ни билдиради. Римча “V” қўл панжасининг соддалаштирилган тасвирини эслатади.”¹

Рақамлар тушунча ва тафаккурнинг ибтидоий аниқлигидан яна бир

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 154-бет.

марта гувоҳлик беради. Ҳисоблашнинг ўзи маълум характерга эга. Ҳисоб саналаётган буюмлардан ажратилмайди ва уларга қўл тегизиш ёки бирма-бир олиб қўйиш йўли билан олиб борилади.

Ибтидоий одамнинг тўплаган билими қанчалик бўлишидан қатъий назар, у ҳали билмаган жуда кўп нарсалар ҳам бўлган. Кишилар сабабини билмайдиган бу ҳодисалар уларнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, ва ўз навбатида, уни билиш талаб қилинган. Шундай қилиб, ибтидоий одам бу соҳадаги камчилигини тўлдиришга, бу ерда ўзининг ожизлигини йўқотишга, унинг ижобий тажрибаларидан чеккада қолган ҳодисаларга жавоб топишга, бу ерда ҳам қандайдир тушунча ва тасаввурлар яратишга урина бошлаган.

II.4. Ибтидоий дин: анимизм, фетишизм, тотемизм, магия

Дин – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, у одамларнинг ғайри табиий кучлар мавжудлигига ишонишлари билан боғлиқ бўлган муносабатларини, уларнинг иш-ҳаракатлари ва қарашлар тизимини акс эттиради. Дин жуда қадимги замонда одамларнинг ўз табиати ва ташқи табиат ҳақидаги ноаниқ, мужмал содда тасаввурларидан, табиат билан курашда уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлиги билан боғлиқ бўлган заифлиги ва кучсизлигидан келиб чиққан.

Кишилиқ тарихининг бошланғич даврида дин бўлмагани бизга маълум. Дин ишлаб чиқариш кучлари ва жамият тараққиётида уруғчилик тузуми пайдо бўлган босқичда вужудга келди. Шу даврда ибтидоий одамда оламнинг сири очилмаган ҳодисалари ҳақида қолоқ тасаввурларнинг қандайдир йиғиндиси пайдо бўлади. Бироқ бу тасаввурлар нотўғри, тескари ва хаёлий тасаввурлардан иборат бўлган.

“Ибтидоий одамнинг ўзи ва уни ўраб олган табиат ҳақидаги тасаввурининг асосий хатоси ёки асосий адашуви шундан иборатки, одам ўзини табиатдан ажратмайди ва табиат кучлари ва ҳодисалар билан айнан

бир нарса деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам одам қатор ҳодисаларни кузата туриб, ўша ҳодисаларни ўзига такашга уринади ва уларни яратишга кодирман, деб ўйлайди, иккинчи томондан эса, табиат кучлари ва нарсалар, яъни биз жонсиз деб атайдиган нарсаларга фақат одамгагина хос бўлган имконият ва қобилиятни, умуман ўзи яшаётган ҳаёти табиатга ҳам хос деб билади.”¹

Бу ибтидоий тушунчалар йиғиндиси – “анимизм” (лотинча “*anima*” – жон) номини олди. Инглиз олими Эдуард Тейлор томонидан фанга олиб кирилган. Анимизм – дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги ғайри табиий кучларнинг мавжудлигига ишонишдир.

“Анимизмнинг илк босқичида танадан ажраладиган ва мустақил яшайдиган жон ҳақида алоҳида тасаввур бўлмаган. Бошланғич ҳолатдаги анимизмнинг ўзига хос хусусияти – табиатнинг руҳланганлиги ҳақидаги даражаларга ажралмаган тасаввурдир.”²

Охиратга ишониш ва ота-боболар руҳига сиғиниш ҳам анимизм билан боғлиқдир. Мозорларда топилаётган, ибтидоий одамларнинг тасаввурларига кўра, нариги дунёда марҳумга зарур бўладиган меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳа, зеб-зийнат буюмлари, ва бошқалар ана шу боғланишдан далолат беради. Мурдаларни қон ва олов рамзи бўлган қизил рангга бўяшган. Дастлаб ўликлардан қўрқишган ва уларни тирик одамларга зарар етказишларига имкон бермаслик учун боғлаб қўйишган..

Энг олдин жон нафас олиш билан тенглаштирилган ва ҳаётнинг гавдаланиши деб ҳисобланган. Нафас олиш тўхталиши, яъни жоннинг кетиши билан ҳаёт жисман ва руҳан тўхтаган. Сўнгра жонларнинг мустақил тарзда яшаши тўғрисида, уларнинг кўчиши ҳақида тасаввур ҳосил бўлиб, ривожлана борган. Ўлим фақат одамнинг жисмоний яшашининг тўхталиши

* Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА Тошкент - 1960 йил. 158-бет

**Тейлор.Э.Б. “Первобытная культура”, из-во “Политический литературы” Москва – 1989 г. 284 стр.

деб ҳисобланган. Жон эса гўё яшашида давом этган. Жонлар табиатни эгаллайдиган танасиз рухларга айланади. Улар учун тўпланадиган жой – фетишлар (португалча “fetico” – ясалган) яратила бошланган. Табиий ҳолатдаги нарсалар ҳам фетишлар бўлган.

Ибтидоий диннинг шакли бўлган “фетишизм” тушунчасини француз олими Ш.де Бросс XVIII асрда илмий адабиётга киритган. Фетишизм жонсиз – моддий нарсаларга топинишдир. Ибтидоий одамлар уларни ғайри табиий, мўъжизавий хусусиятга эга деб билишган. Шунинг учун ҳам одамлар, айрим буюмларни ўзларини бало ва офатлардан сақлайди деб, ёнларида олиб юрганлар.

Ибтидоий шаклларида бири бу тотемизмдир. Тотемизм – Аляскада яшовчи альгонкинлар тилидаги “тотем” – “унинг уруғи” деган сўздан келиб чиққан.

“Тотемизм бу одамлар гуруҳининг қандайдир ҳайвон – қоплон, йўлбарс, бўри, архар, тоғ эчкиси ёки ўсимлик тури – кунгабоқар, дўлана, ковоқ ва шу каби турли ўсимлик тури билан қандайдир боғлиқлиги, ғайритабиий қариндошлик алоқасига ишониш эътиқодидир. Бундан кўриниб турибдики, тотемизм ибтидоий жамият тарихининг овчилик-термачилик ҳўжалиги ривожланган вақтда уруғчилик тузуми ижтимоий ҳаётида қарор топгач вужудга келган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уруғлар, фратрия ва қабилаларнинг номлари муайян территорияда тарқалган ҳайвон ёки ўсимлик номи билан аталган.”¹

Африка, Америка, Осиё, Европа ва Австралияда яшовчи уруғ ва қабилаларнинг ҳайвон ва ўсимлик номи билан аталиши фикримизнинг далилидир. Уруғлар, қабилалар ва фратриялар эмас, айрим жойларда баъзи одамларнинг исмлари ҳам баъзи ҳайвон ва ўсимликлар номи билан аталган. Ҳар бир уруғ ва қабиланинг тотем ҳайвони алоҳида эъзозланиб, ҳурмат ва иззат қилганлар.

¹ Kabirov.A. “Ibtidoiy jamiyat tarixi” (Ma’ruzalar matni) Toshkent - 2005 yil. 96-bet.

Тотемизмнинг дастлабки босқичи даврида одатга мувофиқ, ўз тотемини овлаш ва унинг гўштини овқат сифатида истеъмол қилиш таъқиқланган эди. У муқаддас ҳайвон ҳисобланган. Фақатгина байрамларда, урф-одат маросимлари вақтида муқаддас ҳисобланган тотем овланиб, унинг гўшти ейилган.

Тотем ҳайвонларни овлаш, ўлдириш таъқиқланган. Уларнинг кўпайиши учун ғамхўрлик қилинган. Баъзан уларнинг шарафига байрамлар ўтказилиб, одамлар мазкур ҳайвон терисини ёпиниб, ёки кийиб рақсга тушганлар.

Лекин, тотем ҳайвон ўлдирилгач, ундан узр сўраш одати ҳам бўлган ёки айбни ўзларидан соқит қилиб, уни ўзгаларга тўнкаб, ўз тотемларини ғазабидан халос бўлишга интиланлар. Ибтидоий диннинг шаклларида бўлган тотемизм жуда кўп халқларда, хусусан, туркий халқлада замонамизгача сақланиб келган.

Ибтидоий одамларда тотемизм, анимизм, фетишизмдан ташқари магия (грекча “mageia” – сеҳргарлик) – одамнинг ўзини ғайри табиий кучларга таъсир кўрсата олиш қобилиятига ишонишига асосланган иш-амаллари бўлган. Сеҳргарлик ибтидоий одамлар ҳаётининг ҳамма томонларига катта таъсир кўрсатган. У ҳатто тасвирий санъатни ҳам ўзига хизмат қилдирган. Сўнгги палеолит даврига оид бўлган найзалар, гарпунлар санчиб яраланган ҳайвонларнинг тасвирлари бунинг далилидир. Одамлар бундай тасвирларни овнинг муваффақиятли бўлишига ёрдам берган деб ҳисоблашган. Сеҳргарлик амаллари фойда топиш учун ҳам, зарар етказиш учун ҳам қўлланилган. Хавф-хатарлардан сақланиш учун ва фойда кўриш (овда муваффақиятга эришиш) учун сеҳргарликдан айниқса кўп фойдаланилган.

Сеҳр-жоду (магия) узоқ масофага, жисмоний ҳам, ножисмоний ҳам таъсир этиши мумкин. Бирор кишига қарши қилинаётган хатти-ҳаракатда ўша кишига тегишли бўлган нарсалар устида, масалан, унинг сочи, тирноғи, кийими устида афсун қилиш жуда яхши натижа беради, деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам қолоқ қабилалар ўзларининг соч ёки тирноқларини ҳеч вақт ташламайдилар. Улар сочларидан билагузуклар, камар ва бошқа

нарсалар ясайдилар ёки уларни яшириб, кўмиб ташлайдилар. Душманга зарар етказиш учун унинг қолдирилган изига найза санчиб қўйилса, шунинг ўзи кифоя қилади. “Ибтидоий одамларнинг афсун кучига бўлган ишончи, уларга ҳақиқий сабаби маълум бўлмаган ҳодисаларни тушунтириб беради. Касаллик ва ўлимни сабабини ҳам шу тариқа тушунтирадилар. Афсун кўпинча хавф-хатардан сақланиш учун алоҳида ривожланади. Агарда афсунгарлик қилиб, таъсир этиш мумкин бўлса, худди ўша йўл билан унга қарши чора кўриш ҳам мумкин.”¹

Ибтидоий одамлар афсунгарликнинг ҳақиқий эканлигига жон-дили билан ишонганлар ва улар ўзининг бу ишончида жуда қатъий турганлар. Ибтидоий одам дастлабки вақтларда ўз “билими”га, имкониятига ва ўзига ишонгани ҳолда, афсунгарлик билан шуғулланган. Афсунгарлар ибтидоий диннинг ривожланишида ва тажриба орттиришида катта роль ўйнаганлар ҳамда ибтидоий жамиятда муҳим ўрин тутганлар. Жодугарлар касби наслдан-наслга ўтган. Жодугарлар кўпинча катта ёшдаги кишилар бўлиб, турмуш тажрибаси ва билими етарли, табиатни жуда яхши кузатган, турли аломат ва белгиларини ва ҳоказоларни биладиган кишилар бўлган.

“Диннинг кейинги барча ривожланиш тарихида афсунгарлик (магия) сиғиниш сифатида, тотемизм эса одамга ҳомийлик қилувчи кучларни улуғлаш сифатида ривожланади. Афсунгарлик тотемизм билан чирмашиб кетади. Шундан сўнг диннинг янги шакли – табиатга сиғиниш вужудга келади. Бу одам – табиатнинг энг қудратли ёки ўзига ихлосли деб ҳисоблаган айрим элементлари ва кучларига сиғинишдир.”²

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА Тошкент - 1960 йил. 159-бет

² Тайлор.Э.Б. “Первобытная культура”, из-во “Политический литературы” Москва – 1989 г.

II.5. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик

“Маънавий маданият ва унинг бир тури ҳисобланган санъат кишилик жамиятининг анча кейинги босқичида уруғчилик тузумида шакллана бошлаган. Чунки, бу вақтга келиб одамлар тафаккур, тил, атрофни билиш, нарсаларни фарқлаш, қурол ишлаш, уй-рўзғор буюмларини тайёрлашда маълум даражада муваффақиятларга эришдилар.”¹ Ибтидоий санъат ҳозирги замон кишисига оддий кўринади. Лекин, ибтидоий инсон томониданр яратилган илк санъат кўп қиррали бўлиб, тош, лойдан ишланган одам, ҳайвон ҳайкалчалари, охра билан чизилган хилма-хил расмлар ибтидоий санъатнинг энг дастлабки намуналари ҳисобланади. Бу жиҳатдан қора, қизил, сариқ, яшил бўёқлар билан чизилган мамонт, ёввойи от, арслон, фил, буғу, ёввойи эчки, каркидон, ёввойи сигир, буқа, тўнғиз каби ёввойи ҳайвон ва нарсаларнинг тасвирлари айниқса диққатга сазовордир.

Сўнгги палеолит давридаги шартли тасвирлар, қатор нуқталар ёки чизиқлардан иборат. Думалоқ ҳайкаллар фақат аёл ҳайкалларидан иборат бўлиб, улар юмшоқ тошдан, оҳактошдан, маргелдан ва баъзан мамонт суягидан ишланган. Эркаклар шакли жуда кам ишланган, ҳайвонларники эса онда-сонда учраб қолади. Аёлларнинг шакллари реалистик ишланган, бироқ баъзан гавдалари жуда чўзиқ қилиб ва жинсий белгилари бўрттириб кўрсатилган ҳолда ишланган. Ҳайкалчаларнинг қўллари шартли бўлиб, юзи йўқ. Ўтирган вазиятда тасвирланган ҳайкалчалар онда-сонда учрайди. Одатда бу ҳайкалчаларниг баландлиги 5-10 см бўлиб, 15 см лик катталари кам учрайди. Австралиянинг Виллендорф деган жойидан топилган шундай ҳайкалчаларнинг ажойиб намунаси “Виллендорф Венераси” деб аталган. Аёлларнинг тошларга катта қилиб бўрттириб ишланган тасвирлари ҳам худди шунга ўхшашдир.

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 171-бет

Европанинг сўнгги палеолит ва илк неолит маданиятлари Италия, Шимолий Африка, Кичик Осиё, қисман Кавказда тарқалган. Бу маданият тасвирлари асосан қора ва қизил бўёқ билан ишланган расмлардан иборат бўлиб, улар ғорлар ичига эмас балки, очик ерлардаги қояларга ишланган. Расмлар одатда унчалик катта бўлмаган. Булар овчилик, ҳарбий воқеаларни тасвирловчи кундалик турмуш манзараларидир. Бу расмлар ниҳоятда жозибador, тасвир асосан реалистик, бироқ тасвирланган нарсага ҳаракат беришга уриниш жуда ҳам шартлилиikka олиб борилган.

“Сўнгги палеолит санъати мезолит давридаги шартли тасвирларга нисбатан жуда реаллиги билан ажралиб туради. Мезолит давридан одамлар ва ҳайвонларнинг қоя тошлардаги тасвирлари етиб келган. Лекин булар кичикроқ ўлчамлардаги ва умумий манзаралар шаклидаги тасвирлардирки, сўнгги палеолитда улар бўлмаган. Ҳаваскор рассом буғулар подасини тасвирлаш учун сураатнинг олдинги қисмига буғунинг расмини, нарироқда фақат шохларини чизган.”¹

Тош асрининг сўнгги босқичларида, айниқса, мезолит (ўрта тош) даврида ишланган ибтидоий тасвирий санъатнинг Алтамира, Нио, Уч биродар, Пинедел, Саҳройи кабир, Капова, Лена, Енисей, Об, Амур, Аляска, Сахалин, Мўғулистон, Ўзбекистондаги Зараутсой, Тожикистондаги Шахта ғори, Биттик чашма, Қирғизистондаги Сари жаз ва ер юзининг бошқа турли жойларидан топилган намуналар, айниқса диққатга сазовордир.

Европанинг илк неолит маданияти тасвирий санъатга жуда камбағал. Тасвирий санъатнинг сўнгги палеолитда ажойиб равишда юксалишидан бу вақтга келиб тушкунлиikka юз тутганини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам, азиль санъатининг бирдан-бир намунаси қизил охра билан чизиб бўялган шағаллардан иборатдир. Унинг расми ёки бирор бошқа белгими эканини билиш қийиндир.

¹ Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА. “Қадимги дунё тарихи” I-қисм, “Ўқитувчи”, Т. 1974 йил. 81 –бет.

Неолитнинг кейинги босқичларида тасвирий санъат янги йўналиш билан ривожланди. Бунда тош, суяк ва ёғочлардан ишланган ҳайкалларнинг ажойиб намуналари учрайди. Баъзи петроглифлар (қояга ўйиб ишланган расмлар) ҳайвон ва одамларнинг шартли тасвирларидан иборат. Неолит даври санъати асосан турли хил шаклларга бой бўлган манзарали тасвир йўли билан ривожланади. Бу даврда одамга хизмат қилувчи, ҳатто кундалик турмушда ишлатиладиган оддий буюмларни, чунончи, ло йдан ишланган идишларни ҳам бўяшга ҳаракат қилинган.

Неолит даврида ҳайкалтарошлик ва рельефли тасвирлар манзаравий характерга эгадир. Одам тасвирига ўхшатиш менгирлар ишлаш билан ҳайкалтарошликка асос солинади. Менгирларнинг “тош хотин” деб аталган алоҳида шакллари билан баландлиги одатда 2 метр ва ундан ҳам узунроқ, юзи жуда содда, танаси эса ундан ҳам соддароқ ишланган ҳайкаллардан иборат.

II.6. Мусиқа, рақс, байрам ва маросимлар

Қўшиқлар ва рақслар ибтидоий санъатнинг муҳим тури бўлган. Ибтидоий рақслар, кўпинча тақлидий рақс-ўйинлар меҳнат фаолиятини ритмини ифодалаган. Одатда овга жўнаш ва ҳарбий юриш бошлаш олдидан ижро этиладиган овчиликка оид ва ҳарбий рақсларда дин билан боғланиш кўрилади. Рақснинг вужудга келиши сўнгги палеолит даврининг мадлен босқичига тўғри келади. Рақс меҳнат жараёнлари ритмларидан пайдо бўлган қўшиқ мусиқаси ва чолғу асбоблари билан ижро этиладиган мусиқа билан бевосита боғланган. Ана шу ибтидоий санъат икки турининг чамбарчас боғланганлиги шу билан исботланадики, кўпгина қабилалар қўшиқ билан рақсни бир сўз билан ифодалайдилар. Ибтидоий қўшиқ ритмли нутқдан ташкил топган. Сўзлаб куйлаш қўшиқнинг биринчи шаклидир. Куй эса кейинроқ вужудга келган.

Ракснинг пайдо бўлиши масаласида турли фикр ва ҳатто назарияларга дуч келинади. Лекин бу ерда ҳам биз санъатнинг худди ўша манбаини – одамнинг меҳнат фаолиятини кўрамиз. Шу билан бирга энг биринчи рақслар ҳам турли хил мазмунга эга. Содда рақс фақат гимнастика характериға эга эканлиғига шак-шубҳа йўқ. Ибтидоий одам кун бўйи қилган меҳнатидан чарчаб, кечкурун дам олгач, ўз аъзоларини ёзишга табиий физиологик эҳтиёж сезади, сунъий ҳаракатлар билан ўз таассуротларини ва кайфиятини ифода қилишга уринади, сунъий кўринишда ўзининг тўқлигини, фаровонлик туйғусини ва ибтидоий турмуш шодликларини кўрсатиш зарурати пайдо бўлади. Овға ёки юришга чиқиш олдидан тушиладиган рақслар жисмоний тарбия ва машқ ёки ўзига хос туйғу, кўзғолиш характериға эга. Ниҳоят, ибтидоий рақснинг афсунгарлик ва тотемизм билан алоқадорлиғи шубҳасиздир. Рақс тушганда ашула ёки мусиқа чалинади. Кўп қабилаларнинг тилида ашула ва рақс бир сўз билан ифодаланади. Биз сўнгги палеолит расмлари орасида рақс кийими кийган ва рақс тушиб турган одамнинг тасвирини учратамиз. Демак, одамлар ўша даврдаёқ рақс тушишни билганлар.

“Ўзининг муҳим ишларига алоҳида ташқи шакл бериш, уларни ўзига хос маросимларга айлантириш одати ибтидоий одамларнинг характерли белгисидир. Ибтидоий одамнинг бегона манзилга ёки бегона уйга борганда ўзини тутиши, махсус одатлар, кўришиш удумлари ана шундан келиб чиққан.”¹

Бирор муносабат билан ўтказиладиган маросимда кишиларнинг қиладиган хатти-ҳаракатларини хотирада сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Шу маросимларнинг ҳаммасига ибтидоий одам учун хос бўлган ўз ҳаракатларини драматиклаштиришга интилиш хусусияти зарурий элемент бўлиб киради. Бу билан у ўз туйғусини ифодалайди. Белги ёки белгили ҳаракатлар турли хил маросим ва урф-одатларнинг муҳим элементидир.

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 183-бет.

Биргаликда овқатланиш, биргаликда ичиш ёки чекиш, қўл бериб кўришиш, кийим ёки қурол бериб, совғалар алмашиш, бир-бирининг қонини ичиш каби дўстона муносабатлар ўрнатиш одатлари шулар жумласидандир. Ибтидоий одам турли хил белгили хатти-ҳаракатлар, маросимлар ва урф-одатларни бошқа ҳолларда ҳам бажарганлар. Масалан, мотам вақтида махсус кийим кийилади, ўзини тутиш тартиби жорий этилади.

Байрам қилиш ҳам жуда қадимги даврга оиддир. Тасманияликларнинг байрамга ўхшаш тантана ўтказганликлари ва австралияликларга ҳам шу кабилар тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор. Барча этнографик оламда турли хил шакл ва мазмунга эга бўлган байрамлар кенг тарқалган. Бу байрамларда мусиқа чалинади, рақс тушилади, юқорида айтилган содда маросимлар ўтказилади, ва ниҳоят содда драматургия ҳам ўзига хос равишда ифодаланади. Байрамлар ҳар хил воқеа ва ҳодисалар: мева ва экинларнинг пишиши, бола туғилиши, бирор ишнинг муваффақиятли тамомланиши, ов, ҳарбий юриш ва бошқалар муносабати билан уюштирилган. Тўй маросимлари ҳам шундай байрамлардан бири ҳисобланади.

Мана шу урф-одатлар, маросимлар ва байрамларнинг ҳаммаси дунёвий характерга эга бўлган, бироқ дин ўзининг қарор топиши учун турли йўл ва воситалардан фойдаланиб, улардан кўпига фаол равишда кириб боради. Бундан ташқари, диннинг ўзи ҳам шу содда тантаналарни айниқса кенг ўзлаштириб борди.

¹ Косвен.М.О. “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар”, ЎзФА нашриёти Т.1960 йил. 184-бет.

Хулоса

Ибтидоий жамият тараққиётида муҳим давр бўлган – уруғчилик жамоаси даври инсониятнинг бугунги кундаги ривожда ўзининг беқиёс ўрни ва аҳамиятига эгадир. Чунки, бугунги ривожланган кишилик жамиятидаги барча маданият намуналари ўша уруғчилик даврида пайдо бўлган ва шаклланиб борган. Бугунги замонавий жамиятдаги моддий техника ютуқлари, маданият, санъат, турмушдаги асрий анъаналар, урф-одатлар, диний эътиқод ва тасаввурларнинг туб негизи олис ибтидоий даврнинг маҳсулидир. Бу маданиятлар қанчалар тараққий этиб, ривожланиб бормасин, барибир унинг туб илдизлари ва ибтидоси ўша даврга бориб тақалаверади. Шунинг учун бугунги кун кишилари ушбу давр ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишлари, ва бу давр ёдгорликларига нисбатан ўзида ҳурмат руҳини шакллантира билишлари керакдир. Инсониятнинг дастлабки аجدодлари бўлган ибтидоий одамларнинг “ибтидоий” ақл-заковатлари, тинимсиз фидокорона меҳнатлари ҳамда жасоратлари меваси бўлган барча маданият намуналари бугунги кун кишиларига “бир мунча” тараққий этгани ҳолда хизмат қилиб келмоқдадир. Шундай экан биз ибтидоий одамлар бўлган аجدодларимиз меҳнатини қадрлай билишимиз лозимдир.

Сўзимни якунлар эканман, хулоса ўрнида машҳур олим Марк Осипович Косвеннинг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз деб биламан: “Ибтидоий кишилар табиат кучларининг неча-неча минг йиллар давомида, кўпдан-кўп авлодлар алмашинувида, ҳаддан ташқари кўп куч сарф қилиш натижасида, оғир меҳнатда, кўп адашув ва хатоларни тугатиб, ҳисобсиз қурбонлар бериб, аста-секин, лекин астойдил ўрганди, уларни бўйсундирди ва кишиликнинг дастлабки маданиятни яратди. Ибтидоий тарихда номлар йўқ. У шахсларни ҳам, қаҳрамонларни ҳам билмайди, унда машҳур саналар ҳам йўқ. Шунга қарамай, у ҳақиқий қаҳрамонлик билан, ибтидоий маданиятни яратувчан улуғ омманинг беҳисоб қаҳрамонлиги билан тўладир.”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Косвен.М.О.** “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар” Ўзбекистон
Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент – 1960 йил.
2. **Кабиров.А.** “Ибтидоий жамият тарихи” (Маърузалар матни)
Тошкент – 2005 йил.
3. **Редер.Д.Г, Черкасова.ЕА.** “Қадимги дунё тарихи” I-қисм,
“Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент – 1974 йил.
4. **Тайлор.Э.Б.** “Первобытная культура”, из-во “Политический лите-
ратуры” Москва – 1989 г.
5. www.ziynet.uz. электрон сайти.